



# ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 10 январь, шанба • №3 (11.598) • Эркин нархда сотилади

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

## АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлигини жамоатчилик алоҳида ифтихор ва масъулият билан қабул қилди. Айниқса, бу йилда Обод маҳалла йилидаги эзгу ишларнинг давом эттирилиши, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, меҳр ва мурувват тушунчаларини одамлар, хусусан, ёшлар онгига чуқур сингдириш борасида кенг кўламдаги дастурий режаларнинг белгиланаётганлиги қувонарли ҳолдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятимизнинг бўлим ва бошқармаларида, жамоат ташкилотларида, шаҳар, туманларида Меҳр ва мурувват йилида белгиланган тадбирларни бажариш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди.

Шу йил 9 январь кун вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда «Меҳр ва мурувват йили» вилоят дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда 2004 йилнинг январь ойида жамоат ташкилотлари томонидан белгилаб олинган вазифаларнинг ижроси кенг ва атрофли муҳокама этилди. Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар раҳбарлари қатнашдилар.

(Давоми 2-бетда).

Шу кунларда жойларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 12 йиллигини нишонлаш ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоят ҳокимлигида ана шу санага бағишланган байрам танталарини уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқармаларининг бошлиқлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

## ТАДБИРЛАР КўЛАМИ КЕНГ

Шуни таъкидлаш керакки, вилоятимизда республикада Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 12 йиллигини нишонлашга алоҳида ва қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Вилоят ҳокимининг Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш юзасидан қабул қилган фармойиши ва уни ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг кўлами ниҳоятда кенг ва ранг-баранг. Аслида бу муҳим санага бағишланган тадбирлар вилоятимиз ҳудудидаги ҳарбий қисмларда, қуролли кучларнинг ҳарбий-ўқув муассасаларида, мактаблар ва мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув базаларида бошлаб юборилди.

Бу тадбирлар Республикада Президентининг асарлари, хусусан, Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли китобини ўрганиш ва ўқиш билан бошланганлиги катта аҳамиятга эга.

Умуман, Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида аҳоли, айниқса, чақирув ёшидаги ва армиядаги ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли кучларни ислоҳ қилиш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, халқимизнинг жанговар ва меҳнат анъаналарини

(Давоми 2-бетда).

## БОЛАЖОНЛАР ХУРСАНД БўЛИШДИ

Ангрен шаҳар хотин-қизлар кўмитаси «Соғлом авлод учун» жамғармаси маҳаллий бўлими билан ҳамкорликда болажонлар учун янги йил байрами концерт дастурини ташкил этди. Дукент маданият саройида 200 нафарга яқин кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган болалар арча атрофида мириқиб хордиқ чиқардилар.

Шўх-шодон мусиқаю ўйин-кулгулар болаларда катта таассурот қолдирди. Иштирокчиларга байрам совға-саломлари улашилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

## Баҳор тароғдуғи

### ТЕХНИКА ПАНД БЕРМАЙДИ

Янги мавсумда яхши ният билан далага отланадиган деҳқоннинг оғирини енгил, мушкулени осон қилишда қишлоқ хўжалик техникаларининг ўрни беқиёс.


Буни яхши ҳис этган Чиноз тумани хўжаликларида бу йилги мавсумга ҳам худди ўтган йилгидек, техника таъмирига катта эътибор билан тайёргарлик кўрилди. Кузги йиғим-терим, шудгорлаш ишларидан бўшган техника воситалари таъмирдан чиқарилиб, хўжалик паркларидаги бостирмалар остига териб қўйилган. Туман бўйича 800 та барона, 70 та сеялка, 98 та культиватор баҳорги дала юмушларига тайёр ҳолга келтирилди. Айниқса, тумандаги Турсуной Охунова, Навоий номли ширкат хўжаликларида амалга оширилган бу борадаги кенг кўламли ишлар кўзни қувонтиради. Айни кунлар-

да фақат бу туманда эмас, вилоятнинг бошқа хўжаликларида ҳам муҳим ишга масъулият билан ёндошилмоқда.

Ҳали замон – кўклам келар-келмас, янги режа, янги ютуқларни кўзлаб, экин-тикин ишларини бошлайдиган деҳқон ерга чўчимай уруғ қадайд. Чунки, техника тахт, унинг кўнгли тўқ.

**СУРАТЛАРДА:** Чиноз туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги бош механиги Уразимбет Мирзабоев (ўнгда) навбатдаги техникани кўриқдан ўтказмоқда; ширкат хўжаликларидаги тайёр техника воситалари.

Пўлат РАҲИМОВ олган суратлар.



## ҲОМИЙЛАРГА БИРИКТИРИЛМОҚДА

Олмалик шаҳрида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан дастлабки амалий ишлар бошлаб юборилди.

Хусусан, шаҳар ҳокимлигидаги махсус гуруҳ шаҳардаги кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган фуқароларни ташкилот, корхона, муассасалар, хусусий тадбиркорларга бириктирмоқда. Уларга ҳар томонлама кўмак бериб туриш режалаштириляпти.

Равшан РУСТАМОВ.

## БИНО ТўЛА ТАЪМИРЛАНАДИ

Чирчиқ шаҳрида 14-сонли меҳрибонлик уйининг биносини тўлиқ таъмирдан чиқариш ишлари бошланди.

Ушбу бино 1939 йилда қурилганлиги боис яроқсиз ҳолатга келиб қолган эди. Шунинг учун ҳам йил давомида шаҳардаги қатор ташкилот ва корхоналар биргаликда уни таъмирлаб, замонавий жиҳозлар билан таъминлайдилар.

Ўз мухбиримиз.

## «Олмос» қайта жиҳозланмоқда

Маълумки, 2005 йилдаги «Баркамол авлод» спорт мусобақалари Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан шаҳардаги «Олмос» ўйингоҳи вилоят ҳокимлиги томонидан тўла таъмирланиб, қайта жиҳозланмоқда. Шунингдек, шаҳардаги 4 та йирик спорт мажмуаларини ҳам ушбу мусобақаларга ҳозирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун шаҳардаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари жалб этилган. Йил сўнгига қадар барча спорт мажмуаларини тахт ҳолга келтириш мўлжалланган.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

«ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ! Эслатиб ўтаемиз: бизнинг индекс — 205. Обуна бўлдингизми?

## АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишни вилоят ҳокими-нинг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Йиғилишда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Тўлқин Миркомиллов, халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Муҳаббат Шоюсупова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Диёр Алимов, «Олтин мерос» халқаро хайрия фондининг вилоят бўлими раҳбари Зарифа Эшмирзаева ва бошқа қатор ташкилот раҳбарларининг Меҳр ва мурувват йилида белгиланган тадбирлар ва уларнинг ижроси юзасидан ахборотлари тингланди.

Йиғилишда вилоят дастури-ни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кенг муҳокама этилди ва тадбирлар белгиланди.

## ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги Саховат уйда тадбир уюштирди.

Унда 240 нафар кекса отахон ва онахонлар тўкин дастурхон атрофига таклиф этилди. Маданият уйи санъаткорларининг бадиий чиқишлари эса тадбирга байрамона руҳ бағишлади. Бу каби саховат тадбирлари шаҳардаги Қўрғон ва Дўстлик маҳаллаларида ҳам давом этди. Уларда Оҳангарон туман ички ишлар бўлими ва нафақадаги кекса онахон Маҳбуба Иброҳимова ҳомийлигида 100 нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар улашилди.

Муқаддас АЛИЕВА.

тарғиб қилиш масалаларига қаратилган давлат сиёсатини кенг тушунтиришга бағишланган маданий-маърифий тадбирлар алоҳида ўрин тутди. Айни кунларда ҳарбий ўқув муассасаларида таниқли олимлар, қуролли кучлар фахрийлари ва кўмондонлик вакиллари иштирокида бўлиб ўтаётган «Ўзбекистон ва унинг Қуролли кучлари: кеча, бугун, эртага» мавзудаги суҳбат ва семинарларда ана шу ҳақда сўз бормоқда. Маданият арбоблари, шоир ва ёзувчилар ҳамда ижодий жамоалар иштирокида ташкил этилаётган «Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак», «Ҳеч кимга бермаймиз, сени, Ўзбекистон», «Ким эдигу, ким

(Давоми. Боши 1-бетда).

14 январь — Ватан ҳимоячилари куну

## ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

бўлди» мавзуларидаги учрашувлар, кечалар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Январ ойида ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда бўлиб ўтадиган ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, янгича ҳарбий анъаналарни яратиб, ҳарбий хизматчиларда ахлоқий-жанговар ва етакчилик сифатларини шакллантириш, уларда интеллектуал қобилиятни ривожлантириш, касб маҳоратини оширишга хизмат қилувчи

«Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши батальон командири» танловлари ғолибларини эса мукофот ва турли совғалар кутмоқда. Бадиий-маърифий тадбирларда республикамиз ва вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари, ижодий жамоалари ҳарбий қисмлар ва ўқув муассасаларининг меҳмони бўладилар.

Шу кунларда ота-оналар ва ўқувчи ёшларнинг вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги ҳарбий

қисмларга бўладиган ташрифлари ҳам аскарлар ва зобитларимизга катта қувонч улашади, ўсмирларимизда ҳарбий хизматга ҳурмат ва эътиқодни мустаҳкамлашга кўмаклашади, албатта.

Йиғилишда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб белгиланган ана шу ва бошқа тадбирларни ҳар томонлама уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.



## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бекобод туманидаги Улуғбек номли ширкат ҳужалиги ҳудудида жойлашган 2-умумтаълим мактабида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими ташаббуси билан юқори синф ўқувчилари ўртасида кўпкураш бўйича мусобақа ўтказилди. Оммавий-ватанпарварлик ойлиги доирасида ўтказилган бу мусобақада қат-

нашчилар 100 метрга югуриш, тош кўтариш, мерганлик бўйича беллашдилар. Шунингдек, иштирокчилар учун «Бунёдкорлик ишлари, сермахсул меҳнатимиз — мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишнинг ишончли замини» ҳамда «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуларида суҳбатлар уюштирилди.

Камол ҒАЙРАТОВ.

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТАЯНЧИ

«Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими фаоллари мамлакатимизда давом этаётган «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги»да фаол иштирок этмоқдалар.

Жумладан, Қибрай туманидаги ҳарбий қисмда ўтган учрашувда ҳарбийлар, турли идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ёшлар қатнашдилар.

«Миллий армия — Мустақиллигимиз таянчи» деб номланган ушбу тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 12 йил мобайнида босиб ўтган шонли йўли ва истиқболи, армиямизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида сўз юритилди. Ҳарбий қисм ва ўқув юртларида аскарлар ва курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдириш ва жанговар шайлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари ҳузурда республика «Маънавият ва маърифат» маркази бош мутахассиси О. Сафаров, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бўлими бошлигининг катта ёрдамчиси, полковник М. Воронов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби, шоир Маҳмуд Тоир ҳозир бўлдилар.

Тадбир давомида «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари С. Курбонкулов бундай суҳбатлар, ўзаро қизғин фикр алмашувлар янги қиёфали замондошларимизни тарбиялашга хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

Учрашувда кичик сержант Н. Ҳодибоев, майор М. Тўраев ва бошқалар учрашув ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирдилар. Шоирлар Маҳмуд Тоир ва Муҳаммад Сиддиқ ўқиган шеърлар, хонанда Д. Шометов ижро этган кўшиқлар даврага файз киритди.

Кеча Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмда ҳам шундай учрашув бўлиб ўтди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

## "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг 6-жилди босмадан чиқди

2004 йил арафасида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг навбатдаги 6-жилди кўп минг нусхада босмадан чиқди. Бу жилд «Мирий» мақоласи билан бошланиб, «Пархиш» мақоласи билан тугайди, яъни «М» ҳарфининг 2-ярми, «Н», «О» ҳарфлари, шунингдек, «П» ҳарфининг биринчи ярмидаги мақолаларни ўз ичига олади. Унда 3500 дан ортиқ мақола бўлиб, умумий ҳажми 130,5 наشريёт-ҳисоб табағини ташкил этади. Шунинг 90 табағи мати, 40,5 табағи безак материалдир.

6-жилдда ижтимоий ва гуманитар фанлар салмоқли ўрин тутди. Хусусан, тарих фанлари соҳасидан 500 та, маданият ва санъат соҳасидан 427 та, тил ва адабиёт, матбуот соҳасидан 315 та, фалсафа ва ҳуқуқ, дин ва динлар тарихидан 223 та, иқтисодиётдан 358 та мақола берилган. Булар орасида «Неолит», «Палеолит» даврлари, «Мовароуннаҳр», «Мувақ-

қат Фарғона ҳукумати», «Октябрь тўнтариши», «Панисломизм», «Пантуркизм» каби тарихий воқеалар, тушунчалар; «Муҳаммад халфа Собир ўғли», «Мустафо Чўқай», «Отатурк», «Мунавварқори», «Миркомилбой» каби тарихий шахслар; «Мискарлик», «Нақш», «Наққошлик», «Монументал ҳайкалтарошлик», «Музейлар», Муқимий, Навоий ва Наман-



ган театрлари, «Мотуридий ёдгорлик мажмуи», «Офокўжа ёдгорлик мажмуи», «Мир Араб мадрасаси», «Оқсарой», «Нуриллабой саройи», «Мустақиллик майдони», «Оқиловлар оиласи», шунингдек, «Оқилхон Отахонов», «Ҳабибахон Охунова», «Зикир Муҳаммаджонов», «Тўйчи Орипов», «Теша Мўминов» каби санъаткорлар; «Муқимий», «Нодира», «Оғаҳий», «Миртемир», «Миркарим Осим», «Ойбек», «Орипов Абдулла» каби ёзувчилар;

«Мустақиллик», «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги», «Муҳолифат», «Муҳаббат», «Назария» каби фалсафий-сиёсий мақолалар; «Муҳаммад», «Мусо» пайғамбарлар, «Мотуридий», «Мотуридийлик», «Муслим ибн Ҳажжож», «Нахшабий», «Олтинхон тўра», «Муқаддас китоблар», «Мутаъзиллийлар», «Намоз», «Оят», «Пайғамбар»; «Никоҳ», «Оила», «Одат ҳуқуқи», «Одил судлов», «Омбудсман»; «Олий таълим», «Мустақиллик дарслари», «Оила тарбияси»; «Молия», «Монополияга қарши қонунчилик», «Монополиядан чиқариш», «Олтин бозори», «Нон саноати», «Нефтни қайта ишлаш саноати» каби қизиқарли мақолалар бор.

6-жилд мақолалари умумий ҳажмининг қарийб ярим улушини табиий ва техника фанлари ташкил этади. География, геология ва геофизика соҳасидан 625 та, физика, математика ва

техникадан 305 та, биологиядан 172 та, қишлоқ ҳужалигидан 224 та, кимёдан 125 та, тиббиётдан 222 та мақола берилган.

6-жилдда 22 та мамлакат, Ўзбекистоннинг икки вилояти (Наманган ва Навоий вилоятлари) ҳақида мақолалар кирган.

ЎЗМЭ 6-жилдида 800 дан зиёд безак материал (рангли, оқ-қора сурат, хариталар) берилган. Уларнинг кўпи оригиналдир. 6-жилд мақолаларини тайёрлашда 500 дан зиёд муаллиф-мутахассис иштирок этди.

Наشريёт жамоаси республикамиздаги олимлар, мутахассисларнинг кенг иштирокида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 7-жилдини нашрга тайёрлаш устида жадал ижодий иш олиб бормоқда. Умуман, 2005 йилнинг ниҳоясида миллий қомус яратилган мураккаб ва залворли лойиҳа тугалланади.

ЎЗА.

## ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР СИНОВДАН ЎТАДИ

*Мамлакатимизда мактаб дарсликларининг янги авлодини яратиш тизimini такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада Халқ таълими вазирлиги Осиё тараққиёт банки кредит маблағи ҳисобидан амалга ошираётган "Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари нашр этиш тизimini такомиллаштириш" лойиҳаси ўз самарасини бермоқда.*

Энди янги дарсликларнинг замон талабларига мослиги мукамал синовдан ўтказилади-деган бўлди.

— Ўқувчиларни ижара усулида дарслик билан таъминланиши сабаб адабиётлар мазмунига тўрт йил давомида ўзгартиш киритилмади. Шу боисдан уларнинг мазмуни, матбаа сифатини аниқлаш мақсадида синов ўтказилади, — деди Республика таълим маркази директори ўринбосари Моҳира Солиқова.

— Ҳар бир дарслик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманида, таълим ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилида олиб бориладиган мактабларда синовдан ўтади. Бу жараёнда ўқувчилар дарсликлар билан, ўқитувчилар эса дарслик, методик қўлланма ҳамда махсус йўриқнома билан бепул таъминланади.

Республика таълим маркази ҳар бир дарслиги бўйича услубчи, психолог, тиббиёт ходими, матбаачи, рассом ва ота-оналар фикрларини ўрганади, таклифларни умумлаштиради.

Синов натижалари жорий йилнинг июнь ойида маълум бўлади.

**Хулқар СОДИҚОВА, ЎЗА мухбири.**

### Чаккига гакки

*Рисолали иш юритиб, мўмай фойда олаётган тижоратчию тадбиркор қандини урсин, топганига барака берсин. Ҳам эл-юрт равнақини, ҳам ўз хусусий манфаатини ўйлаб фаолият юритаётган бундай ишбилармонларни давлат қўллаб-қувватламоқда, уларга керагича имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.*

Аммо тадбиркорлик аввал бошдан эгри йўлда бошланган бўлса-чи? Мўмай фойда ортидан қувиб, давлат бюджети, жамият олдидаги мажбуриятларини унутса-чи? Касса апаратида бармоқ босишга «эриниб», нақд тушумларни «пинҳона» айлантиса-чи?

ланиб, қонун доирасида ҳужжатлаштирилди.

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси аҳолига пулли ва бошқа хизматлар кўрсатувчи хўжалик субъектларига оид фармонлар ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан қисқа муддатли текширишлар

ларни бузганлик учун 406 юридик корхонага 216 миллион сўмдан зиёд, 472 нафар жисмоний шахсга 50 миллион сўмдан зиёд молиявий жарима солинди. Бундан ташқари, 734 юридик ва жисмоний шахсга нақд пул тушумини яширганлик учун бир миллиард 888 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди. Жавобгар шахслардан 1058 киши 28,3 миллион сўм маъмурий жаримага тортилди. Текшириш натижаларига кўра, 45 шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, 414 ҳолат бўйича ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун шаҳар ва туман судларига юборилди.

## ПУЛ ДАРДИДА ЭГРИ ЙЎЛДА

**юрган 406 та корхона ва 472 жисмоний шахснинг чаккибосарлигига чек қўйилди**

Мана, масалан, Тошкент туманининг Ҳасанбой қишлоғида очилган хуфёна цех каби. Туман давлат солиқ инспекцияси хуфёна иқтисодиёт корхоналарини аниқлаш мақсадида рейд ташкил этиб, фуқаро Ж. Исмоилова томонидан қолипни нон ишлаб чиқарувчи бутун бошли яшириб цех ташкил этилганлигини аниқлади.

Табиийки, ноқонуний ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилди. Текшириш чоғида 60 донна нон қолипи, 400 донна — 40 минг сўмлик тайёр маҳсулот далилий ашё сифатида олинди.

Текшириш ҳужжатлари чора кўриш учун туман судига юборилди.

Қуйичирчиқ туманида ўтказилган рейд-текшириш чоғида Улугбек номли ширкат хўжалигидаги «Қизил шарқ» қишлоғида яшовчи фуқаро Г. Саидолимов ўз хонадонидан қўлбола ёғ ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги аниқланди. Кичик корхона белгиланган тартибда давлат рўйхатидан, маҳсулот сифатини тегишли идораларда синовдан ўтказиб олмаганлиги — жиддий қонунбузарлик, албатта. Боз устига ишлаб чиқаришнинг санитария қоидаларига зидлиги-чи? Таркиби текширилмаган, соғлиққа фойда-зиённи аниқланмаган ёғни одамларга сотиш-чи? Булар қандай рисолага тўғри келади?

Текшириш куни бу «хусусий» корхона омборида деярли бир тонна кунжара, 20 килограмм тозаланмаган ёғ борлиги аниқ-

ташкил этмоқда. Ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида ўтказилган 2409 та шундай текширишларнинг 2346 таси — 97,4 фоизидан ҳар хил ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, уларнинг натижалари бўйича белгиланган тартибда маъмурий ва молиявий жарималар қўлланилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-қарори асосида савдо ва бошқа хизматлардан тушган кунлик тушум инкассация қилиниши шарт. Харидоргир, тез сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари учун пул маблағлари ўтказилиб, сотишдан тушган пул банк муассасасига тўлагича топширилиши зарур.

Афсуски, бу талабга ҳамма ҳам ҳамиша риоя қилавермайди. Чунончи, инкассация тартибини бузаётган хўжалик субъектлариде ўтказилган 1670 та текшириш жараёнида 1574 та ҳолат бўйича ҳар хил қонунбузарликлар аниқланди. Шундан 406 та юридик макомга эга бўлган хўжалик субъектида, 475 якка тартибда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахсларда тушумлар назорат-касса машиналаридан ўтказилмаган ёки қвитанция берилмаган ҳолда 127 миллион сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатилганлиги аниқланди. Шу жараёнда 740 ҳолат бўйича 1 миллиард 888 минг сўмга яқин нақд пул банкларга топширилмаган. Савдо хизмати кўрсатиш мобайнида белгиланган тартиб-

Хўш, мамлакат қонунлари, ҳукумат қарорларига амал қилмасдан, ўзбошимчалик билан тадбиркорлик фаолияти юритаётган бу шахслар кимлар? Улар қандай ҳуқуқбузарликлар содир этишяпти?

Олмалиқ шаҳрида «Вита» хусусий фирма дорихонасини яхши билишади. Текшириш чоғида унинг сотувчиси Н. Эргашева 15,2 минг сўм савдо пулини назорат-касса машинасида қайд қилмаганлиги маълум бўлди. Албатта, тегишли тартибни бузган «Вита» хусусий фирмасидан назорат-касса машинасида ўтказмасдан амалга оширилган пулли ҳисоб-китоб миқдориде молиявий жарима ундирилди. Савдо қоидасини бузган Н. Эргашевага нисбатан эса 23 минг сўм миқдориде маъмурий жарима қўлланилди.

Шундай текширишлар мобайнида 73 та хуфёна ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига чек қўйилди. Пул дардида, эгри, қоронғи кўчаларда юрган бу «тадбиркорлар»нинг хатти-ҳаракатларидан халос бўлиб, покланиб олиш мамлакат молия-иқтисодий аҳолини яхшилашнинг энг маъқул йўлидир.

**Ғайрат АБДУВОҲИДОВ, Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ва бозор фаолиятини назорат қилиш бўлимининг бошлиғи. Жўрабек МУРОДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.**

### Ҳуқуқий маслаҳатхона

## НИКОҲ БЕКОР ҚИЛИНИШНИНГ ТАРТИБЛАРИ

*Оила — фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми. У муайян ижтимоий вазифани ўтайди. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган. Агар у соғлом ва муштаҳкам бўлса, турмушда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, рўзгор бут, болалар тарбияси рисоладагидек бўлади. Оила тинч ва тотув яшай олмаса, никоҳдан ажрალიш ҳуқуқи келиб чиқади. Унинг асослари эса, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш қоидаларида баён этилган.*

Никоҳдан ажрალიшни қайд этиш ФХДЭ органларида вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотинларни уларнинг ўзаро розилигига кўра никоҳдан ажратиш расмийлаштирилади, кейин бу никоҳ суд орқали бекор қилинади. Шунингдек, Оила Кодексининг 42- ва 218-моддаларига мувофиқ мулкчи низолари ҳамда вояга етмаган, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари бўлмаган ҳолда никоҳдан ажрალიш тўғрисидаги ариза ФХДЭ томонидан қабул қилинади. Алоҳида яшовчи эр-хотинни никоҳдан ажратишни қайд этиш уларнинг биргаликда берган аризаларига асосан, улардан бирининг яшаш жойида амалга оширилади.

Агар ажралувчилардан бири никоҳни бузиш тўғрисидаги аризани бериш учун тегишли жойга кела олмаган ҳолда улар номидан биргаликда ёзилган ҳужжатни бир киши топшириши мумкин. Қатнай олмаган эр ёки хотиннинг қўйилган имзоси нотариал тартибда улар яшаб турган жойдаги ФХДЭ мудири томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Аризада ажрალიшга ўзаро рози эканликлари, вояга етмаган болалари йўқлиги аниқланса, лекин улардан бири никоҳдан ажратиш қайд этилиши белгиланган кунда кела олмаса, никоҳдан ажратишни унинг иштирокисиз қайд этилишига розилиги тасдиқланиши керак бўлади.

Аризани қабул қилиш чоғида шахсни тасдиқловчи ҳужжатда вояга етмаган фарзандлар тўғрисидаги белги бор-йўқлиги текширилиши лозим.

Никоҳдан ажрალიшга икки томон ўзаро розилиги бўлгани ҳолда умумий мулк ёки меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотиннинг таъминоти ҳақида низолар бўлса, у ҳолда никоҳдан ажратиш суд тартибиде ҳал этилади.

Хотиннинг никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиши тўғрисидаги истаги ажратиш ҳақидаги аризасида кўрсатилиши керак.

Бу иш қайд этилганидан сўнг никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага унинг тугатилганлиги ҳақида белги қўйилади ва аризачиларга қайтарилади.

Бу ишни қайд этишда, эр ва хотиннинг ўзаро келишувига кўра, уларнинг бирдан ёки иккаласидан белгиланган тартибда давлат божи ундирилади. Аризага мувофиқ никоҳдан ажратиш Оила Кодексининг 43-

ва 219-моддаларига кўра суд томонидан икки томоннинг бири бедарак йўқолган деб топилган бўлса, ёки суд томонидан руҳияти бузилиши — руҳий касал-



лиги ёки ақли заифлиги сабабли оила тебратишга лаёқатсизлиги аниқланса, содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари бор-йўқлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш қайд этилади.

Бундай ҳолларда қўшимча равишда қуйидагилар илова қилинади:

эр (хотиннинг) муомалага лаёқатсиз ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суд қарори, уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суд ҳукмидан кўчирма, судлангандан сўнг никоҳдан ажратишига ўртада болалари ва мол-мулки юзасидан низоли йўқлиги тўғрисидаги розилиги. Фарзандлари тўғрисида, биргаликда орттирилган умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг моддий таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, никоҳдан ажратиш суд тартибиде амалга оширилади.

Содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш жойида ҳукми ўтаётган шахс билан никоҳдан ажрალიшни хоҳловчи ўз аризасида судланган шахснинг жазони ўтаётган жойини кўрсатиши лозим.

**Флора НАБЕРАЕВА, вилоят Адлия бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси.**

## Dushanba

12

## «Ўзбекистон» телеканал

Телетомашбинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 12 январь куни «Ўзбекистон» телеканалда ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

16.05 «Нурли манзиллар».

16.20 ТВ клип.

16.30 «Ошин». Телесериал.

17.30 Ўзбекистон

Республикаси чегара кўшинлари ансамблининг концерти.

17.55 ТВ маркет.

18.00 Янгиликлар.

18.10 «Простоквашиналик учовлон». Мультфильм.

18.25 Бир жуфт кўшиқ.

18.35 «Мулқдор».

18.55 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 2004 йил - Мехр ва муруват йили.

«Сиз ёлғиз эмассиз.»

21.25 «Ошин». Телесериал.

22.10 «Янги йил базми». 2-қисм.

23.20 «Ахборот-дай-жест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

## телеканал

17.00 Кўрсатувлар дастури.

17.05 «Янги авлод» почтаси.

17.20 «Билмасвой рудда». Мультфильм.

17.40 «Остона». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.

18.35 Тафаккур ёлқинлари.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 «Мехр кўзда».

Мактубларга шарҳ.

20.00 Мусиқий лаҳзалар.

20.10 Сув - ҳаёт манбаи.

20.15 Ёшлар овози.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.45 «Гвадалупе». Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ - анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.

0.30-0.35 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».

17.45 Болажонлар экрани.

17.55 «Хориж хабарлари».

18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».

18.30, 20.00, 20.35, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».

19.20 ТТВда сериал: «23,5 даража бурчак остида».

20.20 «Avto-news».

21.00 «Инсон ва қонун».

21.20 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».

22.20 Кинонигоҳ.

«Диканка қишлоғи оқшомлари».

23.20-23.25 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Спорт»

## телеканал

8.00 «Бардам бўлинг».

Тонгги дам олиш дастури.

9.00 «Хабарлар».

9.15 «Майдон ортида»

9.30-10.30 Бокс.

Ўзбекистон чемпиони.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар».

17.15 «Шоввозлар». Мультсериал.

17.35 Кураш бўйича Осиё чемпионати.

17.55 «Спорт менинг ҳаётим». Б. Нуруллаев.

18.10 Болалар спорти.

18.25 «Спорт антракт».

18.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Мени кутгил».

21.00 «Время».

21.30 «Хабарлар».

21.45 «Универсиада-2000». Наманган.

23.00 Жаҳон спорти. Еврофутбол.

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Маърифий дастур. 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 18.00 Кино: «Яхши ўтирибмиз». 19.30 «Ошиқона». 19.50 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Жаҳаннам биниси». 23.15 Спорт.

## Seshanba

13

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тандир, арча, олов».

9.20 «Соз сеҳри».

9.40 «Рангин дунё».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Мулқдор».

10.25 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

11.50 Мусиқий танаффус.

12.05 2004 йил - Мехр ва муруват йили. «Сиз ёлғиз эмассиз».

12.25 «Остонаси тиллодан».

12.45 ТВ анонс.

12.50 «Бизнес ҳафта».

13.05 ТВ клип.

13.15 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Муносабат».

14.40 «Яхшилик».

15.15 Кундузги сеанс: «Сеҳрли сурат». Бадий фильм.

16.40 «Тафсилот».

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 «Иқтидор». Интеллектуал телеуйин.

18.55 ТВ клип.

19.00 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Ватан химоячилари кунига бағишланган

тантанали йиғилиш ва концерт.

22.35 «Ошин». Телесериал.

23.20 «Ахборот-дай-жест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

## телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» почтаси.

9.35 Саломатлик сирлари.

9.55 XX аср ўзбек шеъриятдан.

10.00 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.35 Кинотақдим.

10.55 ТВ-анонс.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.35 ТВ - адвокат.

11.40 «Гвадалупе». Телесериал.

12.20 Ёшлар овози.

12.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Дўппи».

12.50 Мусиқий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».

13.35 Жажжи гўзал.

14.00 Интерфутбол.

15.40 Қишлоқдаги тенгдошим.

16.00 Чимён тароналари.

16.35 ТВ-анонс.

16.40 Кўрсатувлар дастури.

16.45 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

17.05 «Мульттомоша».

17.20 Озод юрт фарзандлари.

17.40 «Остона». Телевизион бадий фильм 2-қисм.

18.30 Автопатрул.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр» - интервью.

19.50 ТВ-анонс.

19.55 Мусиқий лаҳзалар.

20.10 Чегарачи.

20.30 ТВ - адвокат.

20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.

20.40 «Гвадалупе». Телесериал.

21.25 Ёшлар овози.

21.45 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ - анонс.

22.45 «Тақдир ҳазили ёки қушдек энгил бўлинг».

23.40-23.45 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».

17.45 Мультфильм.

17.55 «Хориж хабарлари».

18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 Болажонлар экрани.

18.30, 20.20, 22.00, 23.10 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».

19.20 «Шунчаки ҳазил».

В. Шамшиев. 1-қисм.

20.50 «Шунчаки ҳазил».

М. Холмедов. 2-қисм.

22.15 «Фаровонлик бекати».

23.30 «Бахтли бўлинг».

00.50-00.55 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Спорт»

## телеканал

8.00 «Бардам бўлинг».

Тонгги дам олиш дастури.

9.00 «Хабарлар».

9.15 Болалар спорти.

10.30 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.

10.30-11.10 «Пахтакор-2003». Яқун ва режалар.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар».

17.15 «Шоввозлар». Мультсериал.

17.35 «Энгил атлетика».

17.55 «Спорт менинг ҳаётим». Н. Нафасов.

18.10 Болалар спорти.

18.25 «Спорт антракт».

18.30 «Сўнги қаҳрамон».

19.30 Е. Петросян

намойиш этади: «Кийиқ кўзгу».

21.00 «Время».

21.30 «Хабарлар».

21.45 «Қасамёд».

Публицистик ҳужжатли видеофильм.

22.35 «Универсиада-2000». Наманган.

23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Жаҳаннам биниси». Фильм. 13.30 «Кора қарға». Сериал. 14.40, 19.30 «Ошиқона». 15.00 Телешоу. 16.00, 23.15 Спорт. 16.40 Ҳужжатли сериал. 18.00 «О'кей». Фильм. 19.50 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Марабунта».

## Chorshanba

14

## «Ўзбекистон» телеканал

ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳарбий мусиқа оркестри».

9.25 «Улғайиш поғоналари».

9.45 «Кўшлери юрт оҳанглари».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Тафсилот».

10.20 «Ойижон». Бадий фильм.

11.35 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.

11.55, 13.55 ТВ анонс.

12.05 Ватан химоячилари кунига бағишлан-

ган тантанали йиғилиш ва концерт.

13.35 «КиноТеатр».

14.10 «Ошин». Телесериал.

14.55 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.

15.25 «Ягона оилада».

15.55 Кундузги сеанс: «Ватанпарвар». Бадий фильм. 1-қисм.

«Болалар сайёраси»:

17.10 «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».

17.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мардлар мактаби».

18.10 Мумтоз наволар.

18.25 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.

19.10 «Қалқон».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Оқшом эртаклари».

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Қасамёд».

Публицистик ҳужжатли

видеофильм.

21.55 «Келин-куёв». Телешоу. Байрам сони.

23.05 «Ахборот-дай-жест».

23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

## телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

9.40 «Ким кучли?» Мультфильм.

9.50 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.25 «Давр» - интервью.

10.40 Чегарачи.

11.00 Аскар қўшиқлари.

11.10 ТВ - адвокат.

11.15 «Гвадалупе». Телесериал.

11.55 Ёшлар овози.

12.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Сўзана ва чинни буюмлар».

12.30 «Мехр кўзда».

Мактубларга шарҳ.

12.50 Мусиқий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 ТВ -анонс.

13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».

13.40 Алифбе байрами.

13.50 «Алпомиш». Бадий фильм 1-қисм.

15.10 Автопатрул.

15.30 «Чекиш - соғлиққа зарар». Телефильм.

15.40 Аскар қўшиқлари.

15.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

16.45 ТВ - анонс.

16.50 Кўрсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

17.10 «Пуф ва жаноб Ҳечким». Мультфильм.

17.35 «Остона». Телевизион бадий фильм 3-қисм.

18.20 Муқаддас бурч.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Очил дастурхон.

20.00 Спорт-лото.

20.10 Мусиқий лаҳзалар.

20.15 Ёшлар овози.

20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.

20.40 «Гвадалупе». Телесериал.

21.25 Марди майдон.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ - анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари.

23.35-23.40 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».

17.45 Мультфильм.

17.55 «Хориж хабарлари».

18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.

18.10 «Болажонлар экрани».

18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».

19.20 ТТВда сериал: «23,5 даража бурчак

остида».

20.20 «Аёл қалби».

20.55 «Химоя».

21.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».

22.30 «Ватан химоячилари кунига». «Осоишталик посонлари».

22.45 Кинонигоҳ.

«Суюнчи».

24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Спорт»

## телеканал

8.00 «Бардам бўлинг».

Тонгги дам олиш дастури.

9.00 «Хабарлар».

9.15 Болалар спорти.

9.30 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.

10.30-12.00 Жаҳон спорти. Баскетбол.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар».

17.15 «Шоввозлар». Мультсериал.

17.35 «Олтин тўп».

Теннис клуби.

17.50 «Юрт ўғлонлари». Ватан химоячилари кунига.

18.05 «Спорт менинг ҳаётим». Т. Низаев.

18.25 «Спорт антракт».

18.30 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»

21.00 «Время».

21.30 «Хабарлар».

21.45 «Спорт телеканалда янги йил старти». Янги йил шоуси.

00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Марабунта». Фильм. 13.30 «Кора қарға». Сериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Ҳужжатли сериал. 18.00 «Сепсиз қизни излаётман». Фильм. 19.30 «Ошиқона». 19.50 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Фаройиб жўнатма».

## Payshanba

15

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Кизгалдок».

Болалар фольклор ансамбли.

2. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».

10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгиликлар.

10.05 Алифбо сабоқлари.

10.25 «Бўронлар ҳукмдори». Бадий фильм.

11.55, 14.30 ТВ анонс.

12.05 «Соғлом она - соғлом бола».

12.25 «Кўшигимиз Сизга армуғон».

12.45 «Қасамёд».

Публицистик ҳужжатли видеофильм.

13.35 «Ҳаракатда - баракат».

13.50, 16.05 ТВ клип.

14.10 «Дунё бўйлаб».

14.35 Кундузги сеанс: «Ватанпарвар». Бадий фильм. 2-қисм.

15.50 «Қалқон».

16.15 2004 йил - Мехр ва муруват йили.

«Мехр улашиб».

«Болалар сайёраси»:

16.35 1. «Қизикарли учрашувлар».

2. «Цирк, цирк, цирк».

17.35 «Харита».

18.10 «Хунарманд».

18.30 «Истеъдод».

18.45 «Мувозанат».

19.05 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус

тилида)

20.00 «Оқшом эртаклари».

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Журналист тахлили».

21.25 «Ошин». Телесериал.

22.10 «Янги йил базми». 3-қисм.

23.20 «Ахборот-дай-жест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар

дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

9.35 «Мульттомоша».

9.50 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Най».

10.40 Ёшлар овози.

11.00 «Гвадалупе». Телесериал.

11.40 Чемпион сирлари (рус тилида)

12.00 Спорт қитъаси (рус тилида)

12.25 Олис сафарлар

дастури.

7.00 «Мунаввар тонг».

Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ -анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

9.35 «Мульттомоша».

9.50 Тонгги сериал: «Рамаяна».

10.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Най».

10.40 Ёшлар овози.

11.00 «Гвадалупе». Телесериал.

11.40 Чемпион сирлари (рус тилида)

12.00 Спорт қитъаси (рус тилида)

12.25 Олис сафарлар

иштиёқида (рус тилида)

12.50 Мусиқий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 ТВ -анонс.

13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».

13.40 Болалар шеърияти.

13.50 «Алпомиш». Бадий фильм 2-қисм.

15.05 Мусиқий лаҳзалар.

15.15 Жаҳон жуғрофияси.

16.05 ТВ - анонс.

16.10 Кўрсатувлар дастури.

16.15 «Янги авлод» студияси: Томир,

Шоҳсупа.

17.00 «Мульттомоша».

17.15 Мехриғиё.

17.30 «Остона». Телевизион бадий фильм 4-қисм.

18.25 Табобат оламида.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр» - интервью.

19.50 ТВ-анонс.

19.55 Равшан Комилов куйлайди.

20.15 2004- Мехр ва муруват йили. Мезон.

20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ - анонс.  
22.45 «Хонадон ўчоғи».  
Бадий фильм.  
0.15-0.20 Хайрли тун.  
**«Тошкент» телеканал**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».  
17.45 Болажонлар экран.  
17.55 «Хориж хабарлари».  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Навнихол».  
18.30, 20.00, 20.50, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклаймиз».

кутлаймиз».  
19.20 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».  
20.20 «Бурч ва масъулият».  
21.05 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
22.05 Кинонигоҳ. Италия киноси: «Италияга саёҳат».  
23.30-23.35 Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт» телеканал**  
8.00 «Бардам бўлинг».  
Тонгги дам олиш дастури.  
9.00 «Хабарлар».  
9.15 «Спорт технологияси».  
9.30-10.30 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар».

17.15 «Спорт менинг ҳаётим». Д. Мухторов.  
17.30 «3-тайм». Футбол шарҳи.  
17.45 Болалар спорти.  
18.00 «Нокаут».  
18.30 Хужжатли детектив.  
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.  
20.00 «Зайф бўгин».  
21.00 «Время».  
21.30 «Хабарлар».

21.45 «Sport ТВ»да премьераси: «Худди Майклдек ўйна». Бадий фильм.  
23.15 Жаҳон спорти. Бокс.  
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр

Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар». Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Фаройиб жўнатма». Фильм. 13.30 «Қора қарға». Сериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 «Сабрина». Фильм. 19.30 «Ошиқона». 19.50 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Қасос фаршаси».

**JUMA**  
**16**  
**«Ўзбекистон» телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
«Болалар сайёраси»:  
9.00 1. «Кизиқарли учрашувлар».  
2. «Цирк, цирк, цирк».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.  
10.05 «Тафсилот».  
10.25 «Нозигойим».  
Бадий фильм.  
11.50 Мусикий танлафуз.  
12.05 «Ўзлинг намоеён қил». Экранда - Қашқадарё вилояти.  
12.25 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
13.15 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Журналист таҳлили».  
14.30 Кундузги сеанс:

«Товламачи». Бадий фильм.  
16.00 «Бир жиноят изидан».  
16.25 «Мувозанат».  
«Болалар сайёраси»:  
16.45 1. «Ёш юлдузлар».  
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.  
17.45 «Чорраҳа».  
18.10 «Агар Сиз». Токшоу.  
18.35 ТВ клип.  
18.45 «Тилга эътибор».  
19.05 «Хидоят сари».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Бир жуфт кўшиқ.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Муносабат».  
21.35 Ўктам Аҳмедов куйлайди.  
21.55 «Ошин». Телесериал.  
22.40 «Ахборот-дайжест».

23.00-23.05 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 ТВ - анонс.  
9.20 «Янги авлод» студияси: Томир, Шоҳсуна.  
10.05 «Жонсарак» мультфильм.  
10.25 Тонгги сериал: «Рамаёна».  
11.00 «Давр» - интервью.  
11.15 ТВ - анонс.  
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.  
12.00 Ёшлар овози.  
12.20 «Кўза». Телевизион бадий фильм.  
12.50 Мусикий лаҳзалар.  
13.00 Давр.  
13.10 ТВ - анонс.  
13.15 Мехриғиё.  
13.30 «Хонадон ўчоғи».

Бадий фильм.  
15.10 Мусикий лаҳзалар.  
15.20 2004 - Мехр ва мурувват йили. Мезон.  
15.40 «Мимино». Бадий фильм.  
17.05 ТВ - анонс.  
17.10 Кўрсатувлар дастури.  
17.15 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Келинг, танишайлик.  
17.50 «Мульттомоша».  
18.20 «Момо ер» туркумидан: «Тоғлар». Хужжатли фильм.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ - анонс.  
19.40 Мусикий лаҳзалар.  
19.50 Кутқарув «050».  
20.05 Минг бир ривоят.  
20.10 Аскар мактублари.  
20.30 ТВ - адвокат.  
20.35, 21.20, 22.35 Ёлонлар.  
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.  
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.45 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ - анонс.  
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.  
0.30-0.35 Хайрли тун.  
**«Тошкент» телеканал**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».  
17.45 Мультфильм.  
17.55 «Хориж хабарлари».  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 Болажонлар экран.  
18.30, 20.00, 20.50, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
19.20 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».  
20.20 «Эл хизматида».  
21.05 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
21.45 «Дорихона

эшитида». Бевосита мулоқот.  
22.55 Кинонигоҳ.  
«Хурматли жентельмен».  
00.25-00.30 Хайрли тун, шахрим!  
**«Спорт» телеканал**  
8.00 «Бардам бўлинг».  
Тонгги дам олиш дастури.  
9.00 «Хабарлар».  
9.15 Болалар спорти.  
9.30-10.30 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар».  
17.15 «Эртага футбол».  
17.35 «Спорт менинг ҳаётим». Э. Акбаров.  
17.50 «Дунёга назар».  
18.20 Премьера. «В. Лановой. Бугунги кунни эслаш» фильмида.  
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.  
20.00 «Мўъжизалар

майдони».  
21.00 «Время».  
21.30 «Хабарлар».  
21.45 «Баркамол авлод спорт ўйинлари-2001». Жиззах.  
23.05 Жаҳон спорти. Еврофутбол.  
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Қасос фаршаси». Фильм. 13.30 «Қора қарға». Телесериал. 14.40, 19.30 «Ошиқона». 15.00 Телешоу. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг кироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.50 «Баязет». Сериал. 21.05 «Клип-совага». 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 Кино: «Сиедлдаги бедорлар».

**Shanba**  
**17**  
**«Ўзбекистон» телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
«Болалар сайёраси»:  
9.00 1. «Ёш юлдузлар».  
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.  
10.00 «Хидоят сари».  
10.20 «Мусиқа дунёси».  
10.40 «Бу турфа олам».  
11.30 «Турна патлари». Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.  
12.35, 14.25 ТВ клип.  
12.40 «Агар Сиз». Токшоу.  
13.05 «Устаси фаранг». Бадий фильм. 1-қисм.  
14.10 «Чорраҳа».  
14.35 «Устаси фаранг». Бадий фильм. 2-қисм.

15.45 «Дўстлик» видео-канал. 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Бизнен мирас». 3. «Иромқлар».  
16.45 «Антиқа шоу».  
17.15 «Изхор».  
17.30 «Рангин дунё».  
17.50 «Телеуста».  
18.10 «Қалб гавҳари».  
18.30 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.  
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Янги йил ҳазили ёки Сиз кутган томоша». 1-қисм.  
22.35 «Оқ ва қора».  
23.05 «Ахборот-дайжест».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.  
23.25 «КиноТеатр».  
23.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Орзуманд юраклар». Бадий фильм. 1-қисм.  
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 ТВ - анонс.  
9.20 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Келинг, танишайлик.  
9.55 Табобат оламида.  
10.20 Жаҳон жугрофияси.  
11.10 Мусикий лаҳзалар.  
11.25 ТВ - адвокат.  
11.30 «Гвадалупе». Телесериал.  
12.10 Кутилмаган меҳмон.  
12.30 Ринг кироллари.

13.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
14.10 Қишлоқдаги тенгдошим.  
14.30 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Мурувват мактаби».  
16.00 Хуш келибсиз.  
16.20 Жаҳон цирки Массимо.  
17.20 ТВ - анонс.  
17.25 Кўрсатувлар дастури.  
17.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.  
17.55 Бола тилидан.  
18.25 Кўшқулоқ.  
18.40 Каталог.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 «Давр» - репортаж.  
19.45 Мусикий лаҳзалар.  
19.50 «Момо ер» туркумидан: «Осмон». Хужжатли фильм.  
20.20, 21.10, 22.35 Ёлонлар.  
20.25 «Бойлик изтироб».  
Бадий фильм. 1-қисм.  
21.15 Оҳанрабо.  
22.00 Давр.

22.40 ТВ - анонс.  
22.45 «Ошиқлар шахри». Бадий фильм.  
0.10-0.15 Хайрли тун.  
**«Тошкент» телеканал**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».  
17.45 «Мультчархпалак».  
18.05, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Билим» телеклуби.  
18.35 «Афиша».  
18.55 «Мисли гавҳар».  
19.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
19.40 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».  
20.00 «Жаҳон географияси».  
20.30 «Нима учун?»  
21.00 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».  
21.40 «Азиз сиймолар». Тожхўжа Хўжаев.  
23.00 Кинонигоҳ. «Сизга ўхшамасмикан?»  
00.30-00.35 Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт» телеканал**  
8.00 «Бардам бўлинг».  
Тонгги дам олиш дастури.  
9.00 «Хабарлар».  
9.15 Болалар спорти.  
9.30 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
10.30 «Уйга қайтиш. И. Кобзон». Днепрпетровск. Донецк.  
11.10 «Оилавий шароитга кўра». Бадий фильм.  
13.20 «Ақллилар».  
14.00-14.20 Дисней клуб: «Тимон ва Пумба».  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар».  
17.15 «Спорт менинг ҳаётим». А. Ўринов.  
18.30 «Халқ ўйинлари».  
17.40 Болалар спорти.  
17.55 «Спорт технологияси».  
18.10 «Сичқон ови». Бадий фильм.  
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»

21.00 «Время».  
21.25 «Спорт антракт».  
21.30 «Хабарлар».  
21.45 «Улоқ - кўпкари».  
22.05 «Баркамол авлод спорт ўйинлари-2001». Жиззах.  
23.05 Жаҳон спорти. Еврофутбол.  
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Оламга нигоҳ». 12.00 Кино: «Сиедлдаги бедорлар». 13.40 Хужжатли фильм. 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеўйин. 18.10 Кино. «Барон Мюнхгаузеннинг саргузаштлари». 19.45 «Ошиқона». 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Дэниэл Стиллинг тўпланмаси». Сериал. 22.00 Кино: «Бекхэмдек ўйна». 23.45 Мусикий дастур.

**Yakshanba**  
**18**  
**«Ўзбекистон» телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
11.20 «Бу турфа олам».  
12.10 «Олтин бешик».  
12.30 «КиноТеатр».  
12.50 «Мушкетер». Бадий фильм.  
14.20, 15.25 ТВ анонс.  
14.25 «Қорақалпоқнома».  
14.45 «Сехрланган бола». Мультфильм.  
15.30 «Дўстлик» видеоканал: 1. Рангинкамон. 2. «Дидар». «Айчурек». 3. «Чинсэн».

16.50 «Оқ ва қора».  
17.20 ТВ клип.  
«Болалар сайёраси»:  
17.30 1. «Фаройибкентга саёҳат».  
2. «Олтин тож».  
18.30 «Экран хандаси».  
19.00 Бир жуфт кўшиқ.  
19.10 «Бизнес ҳафта».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёлонлар.  
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)  
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».  
20.30 «Тахлилнома».  
21.15 2004 йил - Мехр ва мурувват йили.  
«Яхшилик».  
21.40 «Янги йил ҳазили ёки Сиз кутган томоша». 2-қисм.  
«Якшанба кинозали».  
23.10 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Орзуманд юраклар». Бадий фильм. 2-қисм.  
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**  
6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.  
9.00 ТВ - анонс.  
9.05 «Давр» репортаж.  
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.  
9.40 «Мульттомоша».  
9.55 Очил дастурхон.  
10.15 Оҳанрабо.  
10.55 ТВ - анонс.  
11.00 Кўшқулоқ.  
11.15 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури:  
1.Марди майдон,  
2.Аскар мактублари,  
3.Чегарачи.  
12.15 Мусикий лаҳзалар.  
12.30 Болалар экран: «Оққуш малика».  
Мультфильм премьераси.  
14.00 Кутқарув «050».  
14.15 «Бойлик изтироб».  
Бадий фильм 1-қисм.

қисм.  
15.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
15.50 Ёшлар овози.  
16.10 «Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм.  
17.25 ТВ - анонс.  
17.30 Кўрсатувлар дастури.  
17.35 «Янги авлод» студияси: Катта танлафуз, Бахтли болалик.  
18.10 «Мульттомоша».  
18.25 Оила тилсими.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр» - news.  
19.20 ТВ - анонс.  
19.25 Ҳандалак плюс.  
19.30 Очун.  
19.55 Сув - ҳаёт манбаи.  
20.00 Мусикий лаҳзалар.  
20.10, 20.55, 22.35 Ёлонлар.  
20.15 «Бойлик изтироб».  
Бадий фильм 2-қисм.

21.00 «Заковат» интеллектуал ўйини.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр» ҳафта ичида.  
22.35 ТВ - анонс.  
22.40 «Сув балоси». Бадий фильм.  
0.10-0.15 Хайрли тун.  
**«Тошкент» телеканал**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».  
17.45 «Эртақларнинг сеҳрли олами».  
19.25, 22.35 «Экспресс» телегазетаси.  
19.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
20.05 «Жаҳон географияси».  
20.35 ТТВда сериал: «Комиссар Элоиза Ром».  
21.15 «Ҳар қадамда хангома». Ҳ. Тожибоев.  
22.45 Кинонигоҳ. «Қорбўрон ўйини».  
00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт» телеканал**  
8.00 «Бардам бўлинг».  
Тонгги дам олиш дастури.  
9.00 «Хабарлар».  
9.15 «Кувнок стартлар».  
9.45 «Рақибингиз гроссмейстер».  
10.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
11.00 «Инглиз тили курси».  
11.10 «Соғлом овқатланиш сирлари».  
11.20 «Олам бўйлаб».  
12.05 «Спорт антракт».  
12.10 Г. Вицин «Бальзаминонинг уйланиши» фильмида.  
14.00 Дисней клуб: «Микки Маус ва унинг дўстлари».  
14.20 «Эслашлари учун». Б. Бабочкин.  
15.00-15.30 «Аралаш».  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар».  
17.15 «Геркулес». Мультфильм.  
18.40 «Т. Полонская билан бирга».  
19.00 «Уйда ёлғиз-2».

Кинокомедия.  
21.00 «Время».  
21.45 «Хабарлар».  
22.00 «Улоқ - кўпкари».  
22.20 Жаҳон спорти. Еврофутбол.  
23.50 Бокс. Жаҳоннинг энг кучли профессионал боксчилари. Мануэл Маркес - Деррик Гейнер.  
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Кино: «Бекхэмдек ўйна». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Кино: «Санта Клаус тағтиллари». 16.30 Маърифий дастур. 17.00 Телеўйин. 18.10 Кино: «28 кун». 19.45 «Ошиқона». 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Дэниэл Стиллинг тўпланмаси». Сериал. 22.00 Кино: «Биринчи рицар». 24.00 Спорт шарҳи.

**«САЛОМАТЛИК» ЙЎЛГА ЧИҚДИ**

«Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан кейинги йилларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда жамғарма томонидан ташкил этилган саломатлик поезда Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетди.

Ушбу поезд «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда «Экосан — меҳр-мурувват йўлида» мақсадли дастури доирасида Оролбўйи аҳолисига амалий ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилди. Унда инсон ҳаёти учун зарур бўлган 30 миллион сўмлик турли буюмлар жой олган. «Экосан» халқаро жамғармасининг вилоят бўлими ҳам бу поездга ўзининг муносиб ҳиссасини

кўшди. Бўлим шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, тозалаш воситалари ва болалар учун спорт анжомлари ажратди.

Мазкур ёрдам экология ва саломатлик кунлари шиори остида ўтказилган республика экологик ҳашаридан тушган маблағ ҳисобига ҳамда Туркия ҳамкорлик ва ривожланиш халқаро агентлиги кўмагини ташкил этилди.

**Камолитдин  
АСҚАРОВ.**

**БАНК КРЕДИТЛАРИ**

*Осиё Тараққиёт банки мамлакатимиз иқтисодий янада ривожлантириш учун яна иккита кредит ажратди.*

Банкнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжуманининг 2003 йил Тошкентда ўтказилган йиғилишида мазкур банк билан ўзаро манфаатли шериклик йўлга қўйилиб, турли муаммолар ечимини биргаликда қидириш ҳамда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишга келишиб олинган. Осиё тараққиёт банки айна чоғда дастлабки амалий тадбирларни бошлаб юборди.

Мазкур банк томонидан Ўзбекистонга ажратилган жами кредит 1 миллиард 340 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, айна вақтда шундан 745 миллион АҚШ доллари миқдоридagi лойиҳалар амалга оширилмоқда.

С. НАЗАРХЎЖАЕВА, «Туркистон-пресс».

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК  
БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ФИЛИАЛИДА**

2003 йил 17 декабрда бўлиб ўтган кимошди савдосида Олмалик шаҳар ҳудудидан ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 3 та ер майдонлари 480000 сўмга, Пскент тумани ҳудудидан сатҳи 600 кв.м. бўлган 1 та ер майдони ва сатҳи 400 кв.м.дан бўлган 2 та ер майдонлари 260000 сўмга, Оққўрган тумани ҳудудидан ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 8 та ер майдонлари 890000 сўмга, Паркент тумани ҳудудидан сатҳи 400 кв.м. бўлган 1 та ер майдони 130000 сўмга, Доган-5 русумли давлат автотранспорти 650000 сўмга, РАФ-22031-01 русумли давлат автотранспорти 950000 сўмга, ВА3-21063 русумли давлат автотранспорти 1500000 сўмга сотилди.

2003 йил 24 декабрда бўлиб ўтган кимошди савдосида Паркент тумани ҳудудидан сатҳи 400 кв.м. бўлган 1 та ер майдони 120000 сўмга, ВА3-21061 русумли давлат автотранспорти 950000 сўмга сотилди, ВА3-2108 русумли давлат автотранспорти 800000 сўмга сотилди.

2003 йил 31 декабрда бўлиб ўтган кимошди савдосида Паркент тумани ҳудудидан сатҳи 600 кв.м. бўлган 6 та ер майдони 760000 сўмга, ГА3-31029 русумли 2 та давлат автотранспортлари ва ВА3-21053 русумли давлат автотранспорти жами 4250000 сўмга сотилди.

2003 йил 15, 17, 19 декабрь кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай тумани ҳудудида жойлашган 4 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 4633000 сўмга, Қибрай, Ўртачирчиқ, Пскент, Тошкент, Бекобод, Юқоричирчиқ туманлари ва Оҳангарон шаҳар ҳудудида жойлашган 21 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 71047500 сўмга сотилди.

2003 йил 22, 24, 26 декабрь кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай тумани ҳудудида жойлашган 8 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 2330000 сўмга, Қибрай, Тошкент, Зангиота туманлари ва Оҳангарон, Бекобод, Ангрэн шаҳарлари ҳудудида жойлашган 12 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 47348200 сўмга сотилди.

2003 йил 29 декабрь куни ўтказилган биржа савдосида Қибрай тумани ҳудудида жойлашган 3 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 750000 сўмга, Қибрай, Янгийўл, Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 12 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 29236000 сўмга сотилди.

**ДИҚҚАТ!** 10 декабрдаги кимошди савдосида сотилган қуйидаги автотранспорт воситалари савдо натижалари бекор қилинганлиги сабабли 2004 йил 13 январидан бошлаб кимошди савдосига қайтадан чиқарилади:

1. Бекобод тумани Марказий шифохонасига қарашли РАФ-2203101 русумли, 1989 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АҚ 909 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 607700 сўм.

2. Бекобод тумани Марказий шифохонасига қарашли РАФ-2203101 русумли, 1987 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АН 461 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 607700 сўм.

3. Юқоричирчиқ тумани автомобил йўллари бошқармасига қарашли «НЕКСИЯ» русумли, 1997 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АА 443 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1926300 сўм.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими**

*жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорларига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилиши ҳақида*

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. «М-412» автомобили, давлат рақами 11 AD 541, техник носоз, бошланғич нархи — 100 000 сўм.
2. «КАВ3-685 М» автомобили, давлат рақами 11 AP 643, техник носоз, бошланғич нархи — 500 000 сўм.
3. «ГА3-5204» русумли автомобил, давлат рақами 11 AF 644, техник носоз, бошланғич нархи — 350 000 сўм.
4. «М-2715» русумли автомобил, давлат рақами 11 AQ 024, бошланғич нархи — 100 000 сўм.
5. «Муравей» мотоцикли, бошланғич нархи — 80 000 сўм.

6. «Нексия» русумли автомобил, техник носоз, бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.
7. «Урал» русумли мотоцикл, двигател рақами № 630544, техник носоз, бошланғич нархи — 15 000 сўм.
8. «Урал» русумли мотоцикл, двигател рақами № 474073, техник носоз, бошланғич нархи — 15 000 сўм.
9. «М-21» русумли автомобил, давлат рақами 23 41 ТШД, бошланғич нархи — 300 000 сўм.

Кимошди савдоси (аукцион) 2004 йил 13, 20, 27 январь кунлари соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимида, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватда ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархининг 10 фоиз миқдорида тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент тумани ЖИБ судининг биносида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади.

**Манзил:** Тошкент тумани, К. Ғофуров кўчаси, 10-уй, 1-қават, 5-хона.

**Маълумот учун телефонлар:** 152-73-43, 53-08-78, 8-296-53-718.

**«Биокимё»  
очиқ акциядорлик  
жамияти  
акциядорлари  
диққатига!**


**«Биокимё» ОАЖнинг  
2003 йил 8 апрелдаги йиллик  
умумий йиғилиши, Кузатув  
кенгашининг 2003 йил 12  
августдаги йиғилиши қарори  
ҳамда Давлат мулк  
қўмитасининг 2003 йил  
24 ноябрдаги 316-Д сонли  
буйруғига асосан  
акцияларнинг номинал  
қийматини ошириш йўли  
билан жамият устав фонди  
оширилганлиги муносабати  
билан қиймати 1111 сўмлик  
серияси ОЮ-1 бўлган  
акциялар  
БЕКОР ҚИЛИНГАНЛИГИНИ  
маълум қилади.**

**Кузатув кенгаши.**

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
sog'g'i  
xabarlar



## ШВЕЦИЯ:

### ҚОТИЛ СУДЛАНАДИ

Швеция прокуратураси мамлакат ташқи ишлар вазири Анна Линд ҳаётига суиқасд қилган жиноятчини аниқлади. Текширувлар натижасида келиб чиқиши серб миллатига мансуб 25 ёшли Михайло Михайловичнинг қотилликни амалга оширгани маълум бўлди. Воқеа жойидан топилган пичоқ ва бейсбол қалпоғи айнан унга тегишли экан.

Маълумотларга кўра, мамлакат прокуратураси 20 январдан мазкур иш юзасидан суд жараёнини бошлашни режалаштирган. Хозирча қотиллик нима сабабдан амалга оширилгани аниқлангани йўқ. Мамлакат прокурори Агнета Брлидберг журналистларга интервью бериб, мазкур иш юзасидан суд жараёни узоққа чўзилмаслигини таъкидлади.

## АФГОНИСТОН:

### 22 КУНЛИК БАҲСЛАРДАН СЎНГ

Афғонистон Лойя жирғаси (парламенти) вакиллари мамлакат конституциясини қабул қилишга муваффақ бўлгани ҳақидаги хабар жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин кутиб олинди.

Афғонистон халқлари ва қабилалари вакилларида иборат Лойя жирға 22 кун давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг мамлакатнинг «Афғонистон Ислом Республикаси» деб аталишини тасдиқлади.

Мамлакат президентлик бошқарувида бўлади. Давлат раҳбари умумхалқ сайловида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Президент халқ ҳамда парламент олдида ҳисоб беради. Янги конституцияга кўра, ҳукумат таркиби президент томонидан тавсия этилади ва қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланади.

«Ал-Жазира» телеканалнинг маълум қилишича, депутатлар барча зиддиятларни енгиб ўтиб, пуштун, дарий ва ўзбек тилларини давлатнинг расмий тиллари деб белгилашга қарор қилди.

## ФРАНЦИЯ:

### АРЗОН МОЛЛАР САВДОСИ

Францияда нархи туширилган молларнинг йиллик аънавий савдоси бошланди. Бу йилги оммавий савдо 17 февралгача уч босқичда давом этади. Биринчи босқичда нархлар 30 фоизгача, иккинчисида яна 10-15 фоизгача туширилади. Учинчи босқичдаги савдо эса талабга боғлиқ. Агар у паст бўлса, товарлар дастлабки нархининг учдан биригача пасайтирилади.

Умуман, Германия ва Буюк Британияда ҳам шундай аънава бор. Бироқ Францияда савдо тартибга солиб турилади. Дўконлар маҳсулот нархини уни ишлаб чиқаришга кетган ҳаражат миқдоридан пасайтирмаслиги лозим.

## ИРОҚ:

### ЯНА БИР ИСБОТ

Саддам Ҳусайн тузуми даврида амалга оширилган яна бир жиноий ҳаракат фаш этилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, собиқ диктатор даврида узоқ масофага учуришга мўлжалланган баллистик ракета-лар ишлаб чиқарилган экан. Холбуки, мазкур турдаги ҳарбий техникани ишлаб чиқариш халқаро ҳамжамият томонидан тақиқланган эди.

АҚШда чоп этиладиган «Вашингтон пост» газетасида айтилишича, ракеталарни ишлаб чиқариш жараёнига қирқ етти ёшли ироқлик муҳандис Модхир Содик-Саба Тамимий раҳбарлик қилган. У журналистлар билан учрашувда Саддам Ҳусайн БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига хилоф равишда ва халқаро кузатувчилардан яширинча баллистик ракеталарни яратишга кўрсатма берганини тасдиқлади. Бу Саддам Ҳусайн халқаро ҳамжамиятдан пинҳона равишда оммавий қирғин қуролларини яратишга уринганлигининг яна бир исботидир.

## Шарҳловчи минбари

## АҚШ:

### РЕСПУБЛИКАЧИЛАР САЙЛОВ ТАРАДДУДИДА

Шу йилнинг ноябрида АҚШда навбатдаги президент сайлови бўлади. Шу боис мамлакатдаги икки сиёсий партия — демократлар ва республикачилар лагеридан навбатдаги «жанг»га тайёргарлик қизғин кечмоқда. Республикачилардан номзодликка кўрсатиладиган ягона вакил амалдаги президент Жорж Буш бўлиши ҳозирдан маълум. Демократлар эса ҳали ҳам ягона номзодни аниқлай олмаяпти.

АҚШдек қудратли давлатда юз берадиган бундай сиёсий воқеалар жаҳон аҳлининг эътиборидан четда қолмайди. Сайловолди пойгаси эса шубҳасиз катта маблағ талаб қилади. Гарчи ҳозир АҚШда сайловолди пойгасига расман старт берилмаган бўлса-да, номзод кўрсатишга тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Номзоднинг амалий ҳаракати эса табиийки, даставвал сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари учун маблағ топишдан бошланади. Бу борада рақиб партия вакиллари имконияти қандай? Кузатувчиларни ушбу саволга жавоб топиш қизиқтирмақда.

Аввалдан айтиб ўтиш жоизки, бу борада президент Жорж Бушнинг имконияти катта. АҚШ матбуотининг ёзишича, қайта президент бўлиш учун курашга чоғланган Жорж Буш ўтган йили сайловолди жамғармасига 130 миллион доллар тўплаган. Лекин бу ҳали чегара эмас. Жорж Бушнинг асосий рақибларидан бири демократ Говард Диннинг жамғармасида атиги 40 миллион атрофида маблағ тўпланган. Ҳозир демократлар партиясидан тўққиз нафар вакил Жорж Буш билан беллашишга тайёр турибди. Бироқ уларнинг сайловолди кампанияси учун тўплаган барча маблағини жамлаганда ҳам (расман тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, 120 миллион доллар) Жорж Буш маблағидан оз экан.

Демократларнинг яна бир заиф томони шундаки, улар ушбу маблағни аллақачон қарийб ишлатиб ҳам бўлган.

Демократлардаги мавжуд муаммоларнинг яна бири ҳали мазкур лагерда ягона номзод аниқланмаганида. Масалан, Говард Динга яна бир демократ, истеъфодаги генерал Уэсли Кларк рақиб бўлиб турибди. Кузга келиб уларнинг фақат биттаси амалдаги президент Жорж Буш билан беллашиши керак.

Тўғри, қонун бўйича, президент сайловолди кампаниясини муваффақиятли олиб борган номзодга давлат томонидан муайян маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бироқ бу йўл номзоднинг маблағлардан фойдаланишидаги эркинликларини бир қадар чекалаб қўяди. Шу боис Жорж Буш ҳам, унинг рақиб Говард Дин ҳам давлат маблағини ўз номзодини расман илгари сурмасдан олдин олмасликка қарор қилган.

Жорж Бушнинг яна бир имконияти у юрилтаётган сиёсатни аксарият америкаликлар қўллаб-қувватлашидир. Сўнгги ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Жорж Буш сиёсатини АҚШ аҳолисининг 60 фоизи маъқуллайди. Бироқ президентнинг сиёсий рақиблари ҳам қўл қовуштириб тургани йўқ. Улар ҳам Жорж Бушга қарши бор молиявий имкониятларини ишга солишга чоғланган. Масалан, танikli молиячи Жорж Сорос яқинда Жорж Бушнинг қайта сайланмаслиги учун шахсий жамғармасидан 12,5 миллион доллар ажратганини маълум қилди. Табиийки, унинг бадавлат маслақдошлари ҳам худди шундай йўл тутади. Зеро, бундай чоралар қонунга зид эмас. Бироқ республикачи сенаторларнинг бири таъкидлаганидек, Жорж Сорос тутган йўл сиёсий кампанияни молиялаштириш тизимининг ошқоралигига соя солади.

Хуллас, АҚШда сайловолди пойгаси ҳали расман бошлангани йўқ. Бироқ республикачилар ҳам, демократлар ҳам курашга жиддий тайёргарлик кўраётгани маълум.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.



Лондон. Театр биноси.

## ЭКИПАЖЛАР УЧИШГА ҲОЗИРЛАНАЯПТИ

Бўлажак халқаро фазо станциясига (ХФС) АҚШ-Россия экипажини 2004 йил апрелида учуриш режалаштириляпти. Парвоз Россиянинг «Союз» фазо кемасида амалга оширилиши кутиляпти.

2004 йил ноябрнинг ўрталарида эса, «Дискавери» кемасининг парвози амалга ошириляпти. У ХФСга мутахассисларнинг янги гуруҳини етказиши керак. Мазкур шаттл экипажининг таркиби ҳам қисман маълум қилинди. 6-7 кишилик экипажга АҚШ фазогири Стивен Линдсей раҳбарлик қилади.

АҚШнинг «Ассошиэйтэд пресс» ахборот маҳкамаси хабарларига кўра, шу йил февраль ойида ХФСдаги экипаж аъзоларидан Александр Калери ва Майкл Фозлнинг очиқ фазога чиқиш эҳтимоли бор. Улар ХФС сиртини яна бир бор текшириб чиқишади.

## ОДАМНИ КЛОНЛАШ ТАРАФДОРЛАРИ БОР

БМТ Бош ассамблеясида одамни клонлашни тақиқлаш тўғрисидаги халқаро битимни ишлаб чиқиш ишлари бу йилдан қайта бошланади. БМТ резолюциясига мувофиқ, клонлаш масаласини муҳокама этиш БМТ Бош ассамблеясининг 59-сессияси кун тартибига киритиляпти. Резолюция муаллифлари, одамни клонлашга қарши халқаро ҳужжат қабул қилингунга қадар Бош ассамблея мазкур соҳада тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказишни тақиқлаши зарур, деб ҳисобламақда.

Одамни клонлашни ёқлаётганлар ҳам йўқ эмас. Буюк Британия вакилининг фикрича, терапевтик клонлашни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур. Эслатиш жоизки, клонлаш бўйича илк тажриба ҳам Буюк Британияда ўтказилганди. Ушбу мамлакат вакилининг таъкидлашича, Буюк Британия одамни клонлашни тақиқлаш тўғрисидаги халқаро ҳужжатга ҳеч қачон қўшилмайди.




(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## ҚОПҚОНДАГИ НУР

АҚШдаги Харвард университетининг физик олимлари мураккаб тажриба амалга оширдилар. Улар ёруғлик импульсини махсус муҳитда бир муддат ушлаб туришга муваффақ бўлишди. Тажриба деворлари кўзгулардан иборат махсус хонада ўтказилди.

Кўзгули хона ёруғлик импульсини тутишда қопқон вазифасини ўтар экан. Олимларнинг таъкидлашича, ёруғлик нурлари ҳатто «тутқунлик»да ҳам бир дақиқага бўлса-да тўхтамай, хона бўйлаб ҳаракатланиб турган. Кўзгули деворлардан бири очилиб нурлар «озодлик»ка чиқарилгандан сўнггина улар ўз йўналиши бўйлаб ҳаракатини давом эттирган.



Турфа олам

Турфа олам

## Саҳифа меҳмони

**Тошўлат Маткаримовни санъат ихлосмандлари яхши танийдилар.** Хонанда ўзига хос услубда яратилган ва ижро этилган ҳамда чуқур маъно-мазмунга эга қўшиқлари билан аллақачон мухлислар кўнглини забт этиб улгурган. Унинг, «Армон», «Санамгина», «Бекор», «Мард эл», «Оқ тулпор», «Оҳангарон ўлани» каби қўшиқлари айниқса машҳур. Ижоди ҳам моҳиятан, ҳам ижро жиҳатидан халққа яқин санъаткор билан қурган суҳбатимиз ҳаёт ва ижод хусусида бўлди.

— Машҳурликнинг «юки» деган иборага муносабатингиз.

— Мен бу юкни ҳали ўзимда ҳис қилганимча йўқ. Чунки, ҳали ўзимни машҳур санъаткорман деб ҳисобламайман. Лекин, муносабат масаласига келсак, бундай «юки» бор одамларга қийин бўлса керак. Машҳурликнинг масъулияти инсонни ҳар қадамда таъқиб қилади. Оилада, ишхонада, тadbирларда, одамлар орасида ўзини тута билиши, чиройли муомала қилиши, ким бўлишидан қатъи назар, суҳбатлашганда очик чеҳра билан муносабат билдириши ҳам машҳурликнинг қирраларини кўрсатиб беради.

— Сиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлдингиз. Сизни қанақа ҳиссиётлар чулғайди?

— Унвонга сазовор бўлиш шахсан мен учун бундан буён яна ҳам сермахсул ижод қилиш, миллий санъатимизни асраб авайлаш, ардоқлаш, унинг янги-янги қирраларини намоён этиш йўлида меҳнат қилиш учун берилган қарз деб биламан.

— Қўшиқларингизни яратишда кўпроқ қайси шоирлар билан ишлайсиз — машҳурлари биланми ёки ҳали танилиб улгурмаган, аммо иқтидори борлари биланми?

— «Шоирлар билан ишлаш» деганингизни кенгроқ маънода оладиган бўлсак, қўшиқчилик санъати оламига қадам қўйганимда Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб шеърларига мурожаат қилганман. Навоийнинг «Изларман», Бобурнинг «Эй, ёр не бўлди», Машрабнинг «Ўлди-ройин дермусан» ғазалларига айтилган қўшиқлар илк ижодим намуналари бўлса, кейинчалик замонамизнинг забардаст шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф сўзлари билан айтилган қўшиқларим дунёга келди. Шунингдек, Азим Суюн, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид каби шоирларимизнинг шеърлари репертуаримнинг бойишида муҳим ўрин тутди. Айни кунларда Файрат Мажид деган укамиз билан ижодий ҳамкорлик қила-япмиз.

— Қўшиқларингизга матн танлашда асосан нималарга эътибор берасиз?

— Асар мазмунининг халқчиллигига. Тингловчига осон этиб

эди ўшанда. Чимкентдаги Ўзбек миллий маданият марказининг тadbирларида иштирок этиб қайтаётганимизда, сафарда бирга бўлган меҳмонлар қўшиқ айтиб беришимни сўрашди. Автобустаги ҳамроҳларимнинг нигоҳи менга қадалди. Доирани кўлимга олиб, 3-4 та қўшиқни кетма-кет ижро этиб бердим. Қўшиқ тугагандан сўнг, ногоҳон

қолдириш жуда қийин. Лекин, ўзбек миллий мумтоз санъати-га тан бермаган миллат вакили топилмаса керак.

— Истайсизми, йўқми, машҳурлик кўп нарсени ўзгартиради. Хусусан, инсоннинг юриш-туришини ҳам. Ана шу ўзгаришларнинг биринчиси сифатида манлиқни айтиш мумкин. Сиз шундай одамга айлангандан кўрқмайсизми?

— Манман одам «аввало мен» дейди. Бу касаллик инсон ўзининг ким эканлигини билмаслигидан, қаердан келиб чиққанини унутишидан юзага келади. У кўлига катта пул ёки мансаб тегмагунча хотиржам юради. Бироқ ана шуларга эга бўлган куни миясида «Бир ўзимни кўрсатиб қўяй» қабилдаги фикрлар тинчлик бермайди. Машина олади, дангиллама ҳовли-жой куради, дабдабали тўй-ҳашам қилади... Хуллас калом, босар-тусарини билмай қолади. Одам ўзининг бу дунёда омонат эканлигини, йиққан-терганини тупроққа олиб кетолмаслигини англаши жуда қийин.

— Маткаримовлар сулола-сида бошқа санъаткор борми...

— Сулолаимизда мендан бошқа санъаткор йўқ. Агар фарзандларимдан биронтаси санъаткор бўламан деса, қаршилик қилмайман, албатта. Лекин, уларнинг биронтасида бунақа интилишни сезганимча йўқ.

— Сизнингча, аудиокассеталар чиқариш, видеоклиплар яратиш, ҳар хил плакатлар чоп этиш машҳурлик келтиради?

— Менимча йўқ. Агар ижро тингловчининг кўнглидан жой олмас экан, аудиокассета ҳам, видеоклип ва ранго-ранг плакатлар ҳам бесамар кетади. Айтайлик, Муроджон Аҳмедов, Комилжон Отаниёзов, Назира Аҳмедова, Жўраҳон Султонов, Юнус Ражабий ва шу каби бошқа устозлар халқимизнинг қалб кўрида шундай воситаларсиз ҳам сақланиб келмоқда.


— Санъат оламига кириб келадиган ёш ижодкорлар кўпроқ нималарга эътибор беришлари керак деб ўйлайсиз?

— Қўшиқ қилиб айтилган ҳар бир сўзнинг масъулиятига... Халқимизда «Айтилган сўз — отилган ўқ» деган матал бекорга айтилмаган. Қўшиқдаги ҳар бир сўзга, унинг халқчиллиги, оҳангининг миллийлигига эътибор беришлари керак деб ўйлайман.

— Мухлисларингизга тилақларингиз.

— Авваламбор, соғлиқ, бахт ва омад тилайман. 2004 йил барчамизга янги зафарлар, тинчлик-тотувлик олиб келсин.

Хуршида НАЗАРОВА  
суҳбатлашди.



бориши, миллий руҳнинг қанчалик сингдирилганлигига алоҳида эътибор бераман.

— Жонли ижро ва фонограммага муносабатингиз қандай?

— Албатта, жонли ижрога нима етсин. Санъаткорнинг бор имкониятини кўрсатиб берадиган нарса ҳам шу-ку. Фонограммага келсак, уни ишлатиладиган ўз жойи ва мавриди бор. Фонограмманинг яна бир томони «санъаткорман» деганларнинг «сарагини-саракка, пучагини-пучакка» чиқариб қўяди. Тасаввур қилинг, тўйга фонограмма билан борган санъаткор тўйхонада чирок ўчиб қолса ёки мини диск аппарати бузилиб қолса, нима аҳволга тушади.

— Ўзингизнинг жонли ижро салоҳиятингизни кутилмаганда синаб кўришга ҳаракат қилишганми?

— Агар саволингизга жавоб бўла олса, бошимдан ўтган бир воқеани келтирсам. 1998 йили

орқа тарафдан кимнингдир секингина «Айтолмаса керак деб ўйлагандим» дегани қулоғимга чалиниб қолди. Тўғриси айтсам, ўшанда уялиб қолганимдан суюнганман.

— Қўшиқчилик санъатининг эстрада йўналишига кириб келишигизда мумтоз санъатнинг тутган ўрни ҳақида гапириб берсангиз.

— Устозларимдан бахши Рўзимбек Муродов «Дугоҳ», «Гулзорим», «Тошкент ироғи», «Муножот», «Ушшоқ» каби мумтоз қўшиқларни ўргата туриб — «Агар шу қўшиқларни мукамал ижро қила олсанлар, шу дурдоналарнинг ўзи сизларни санъат гулшани сари етаклайди», — дер эдилар. Кейинчалик устознинг нақадар тўғри йўл кўрсатганларини ҳис қилдим. Ростини айтганда, дунёнинг қайси ерига борманг, хоҳ у Европа, хоҳ Осиё давлатлари бўлсин, эстрада йўналишидаги ижро билан томошабинни қойил

## Bolalik bog'i



## XAT

Avval salom, Qorbobo!  
Sog'liq sizga yor, bobo.  
Yaqin-ku archa bayram,  
Sog'indik sizni biram.  
Sovg'a olar bo'lsangiz,  
Qop ko'tarib kelsangiz,  
Sho'htoy ukam Sadrga  
Oling jindek sabrdan.  
Kam o'qir u kitobni,  
Chala ishlar hisobni,  
Ish boshlar qilib, araz,  
Oxiriga etkazmas...  
Xullas opkeling sabr,  
Sovg'angiz topar qadr!  
G'ani ABDULLAEV.

## Биласизми?

Бож — қадимдан бир давлат томонидан иккинчи давлатга тўланадиган ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга, вилоятдан вилоятга ўтиш учун, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ бозорларида савдогарлардан олинган махсус тўлов ҳисобланади.

Хўш, ўтмишда бож олувчи қандай ном билан аталган? Ҳозирги даврда бу тўловнинг шакли ва унинг қайси турлари мавжуд?

Қадимда бож олувчи — тусковул деб аталган. Ҳозирги пайтда бож деганда божхона чеғарасидан олиб ўтилган ҳар қандай товар ва транспорт воситаси учун тарифда назарда тутилган ставкалар асосида ундирилаётган махсус тўлов тушунилади. Унинг импорт, экспорт, мавсумий ва алоҳида (махсус, компенсация, демпингга қарши) турлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси «Божхона кодекси» — Ўзбекистон Республикасида божхона ишларини тартибга солувчи тизимлаштирилган ягона қонун ҳужжати, божхона ҳуқуқининг асосий манбаи.

Ушбу «Божхона кодекси» Олий Мажлис томонидан 1997 йил 6 декабрда қабул қилиниб, 1998 йил 1 мартдан қучга киритилган. У 11 бўлим, 19 боб ва 198 моддадан иборат.

**Ўб-ҳаво** Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 10 январь кун Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 2-7, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади, қор кўчиш хавфи бор. Айрим жойларга туман тушади.

Акмал Икромов туманидаги 295-сонли мактаб томонидан 1993 йилда Зуфаров Моҳир Тохирович номига берилган ВУ 029654 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой тумани Муқимий кўчаси 41-уйда жойлашган «Баҳор-Барно» хусусий корхонасига қарашли новвойхонага берилган 5-19/2001 реестр рақамли йўқолган кадастр ҳужжати **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Mirsabirov Mirvokhid» номига берилган, «Хом-ашё биржа бозорида савдоларнинг профессионал иштирокчиси сифатида фаолиятини амалга ошириш» ҳуқуқини берувчи ARR 38-000084 сонли 2003 йил 24 июнда берилган шаходатнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«QORABOG`-SERVIS» ХИСФнинг муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой тумани Усмон Носир кўчаси 65 а -уйда жойлашган «Баҳор-Барно» хусусий корхонасига қарашли қаҳвахонага берилган 2052070856 рақамли йўқолган кадастр ҳужжати **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза туманидаги «BMB-TIJORAT» ХФ ўзининг 4 000 000 сўмлик устав жамғармасини 250 000 сўмга камайтиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.